

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ
ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ШОЛИ ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА

ТАВСИЯНОМА

Тошкент – 2024 йил

ШОЛИ ПАРВАРИШИ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Бугунги кунда республикамизда шоли ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 45,9 центнерни, ялпи ҳосил 516,9 минг тоннани ташкил этмоқда. Шоли энг кенг тарқалган донли экинлардан бири бўлиб, умумий экин майдони бўйича буғдойдан кейин иккинчи ўринда, ҳосилдорлиги бўйича биринчи ўринда туради.

Шоли экиладиган майдонлар асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошкент, Сурхондарё, Сирдарё, Андижон ва Фарғона вилоятларига тўғри келади ва шоли экиладиган вилоятлар иқлим шароитларига қараб шартли равишда 4 минтақага ажратилади:

марказий минтақа Тошкент ва Сирдарё вилоятлари;

шарқий минтақа Фарғона ва Андижон вилоятлари;

жанубий минтақа Сурхондарё вилояти;

шимолий минтақа Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари киритилган.

Митақларнинг иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда шоли навларини танлаш тавсия этилади.

Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари томонидан тезпишар (ўсув даври 95-115 кун), ўртапишар (ўсув даври 115-125 кун), кечпишар (ўсув даври 126-145 кун) бўлган шоли навлари яратилган бўлиб, улардан 14 таси Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган ва шоли экиладиган вилоятлар учун районлаштирилган.

Кечпишар навлар:

УЗРОС 7-13 - ўсув даври 135-140 кун. Ўсимлик бўйи -120-130 см. Рўвак узунлги 18-20 см. 1000 дона дон вазни -30-31 г. Шишасимонлиги- 96-98%. Амилоза миқдори -24%. Қобиқлиги 18,0-20,0%. Гуруч чиқиши 72-73%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 90-95%. Ётиб қолишга ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 9,0-9,5 т/гача ҳосил олиш мумкин.

ЛАЗУРНИЙ - ўсув даври 130-135 кун. Ўсимлик бўйи -115-120 см. Рўвак узунлиги 22-24 см ни ташкил этади. 1000 дона дон вазни 34–35г. Шишасимонлиги 100%. Қобиқлиги 20,0-22,0%. Гуруч чиқиши 63-65%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 65–70%. Амилоза миқдори 22%. Ётиб қолишга чидамлилиги 4 балл ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 7,5–8,0 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

МУСТАҚИЛЛИК - ўсув даври 137-142 кун. Ўсимлик бўйи -130-133 см. Рўвак узунлиги 18-19 см ни ташкил этади. 1000 дона дон вазни - 33-34 г. Шишасимонлиги 97-98%. Қобиқлиги 19,0-20,0%. Гуруч чиқиши 70-71%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 90–95%. Ётиб қолишга ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 9,5–10,0 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

ИСТИҚЛОЛ - ўсув даври 125-130 кун. Ўсимлик бўйи -128-130 см. Рўвак узунлиги 21-22 см ни ташкил этади. 1000 дона дон вазни 35–36г. Шишасимонлиги 100%. Қобиқлиги 17,0-18,0%. Гуруч чиқиши 70%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 90–92%. Амилоза миқдори 22-23%. Ётиб қолишга чидамлилиги 4 балл ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 9,0–9,5 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

ТАРОНА – ўсув даври 135-137 кун. Ўсимлик бўйи -125-129 см. Рўвак узунлиги 20-22 см, компакт, қилтиқсиз. 1000 дона дон вазни 33–34г. Шишасимонлиги 98-100%. Қобиқлиги 17,8-18,3%. Гуруч чиқиши 71-73%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 87 %. Амилоза миқдори 19-20%. Ётиб қолишга чидамлилиги 5 балл ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 9,0–9,5 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Ўртапишар навлар:

ИСКАНДАР - Ўсув даври 118-122 кун. Ўсимлик бўйи -120-125 см. Рўвак узунлиги 18-20 см ни ташкил этади. 1000 дона дон вазни - 33-34 г. Шишасимонлиги-98-100%. Қобиқлиги 18,0-18,5%. Гуруч чиқиши 71-72%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 92-95%. Ётиб қолишга ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 10,0-10,5 т/гача ҳосил олиш мумкин.

ИЛГОР - Ўсув даври 123-125 кун. Ўсимлик бўйи -115-120 см. Рўвак узунлиги 23-25 см ни ташкил этади. 1000 дона дон вазни - 33-34 г. Шишасимонлиги-100%. Қобиқлиги 18,5-19,0%. Гуруч чиқиши 66-68%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 70-71%. Ётиб қолишга ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 8,5-9,0 т/гача ҳосил олиш мумкин.

ТАНТАНА - ўсув даври 118-122 кун. Ўсимлик бўйи -128-130 см. Рўвак узунлиги 18-20 см, компакт, қилтиқсиз. 1000 дона дон вазни 31-32 г. Шишасимонлиги 98-99%. Қобиқлиги 17,1-18,0%. Гуруч чиқиши 68%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 89-91%. Амилоза миқдори 19-20%. Ётиб қолишга чидамлилиги 4,5 балл ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 9,0–9,5 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

САДАФ - Ўсув даври 125-127 кун. Ўсимлик бўйи 128-130 см. Рўвак узунлиги 20-23 см, компакт, қилтиқсиз. 1000 дона дон вазни 33-34 г. Шишасимонлиги 95-98%. Қобиқлиги 18,1-18,6%. Гуруч чиқиши 72-73%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 91%. Амилоза миқдори 19-20%. Ётиб қолишга чидамлилиги 5 балл ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 9,0-9,5 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

ИСТИҚБОЛ - Ўсув даври 115-120 кун. Ўсимлик бўйи -135-140 см. Рўвак узунлиги 20-22 см ни ташкил этади. 1000 дона дон вазни 30–31 г. Шишасимонлиги 97- 98%. Қобиқлиги 18,0-18,5%. Гуруч чиқиши 71–73%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 97–100%. Ётиб қолишга ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 9,5–10,0 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Эртапишар навлар:

НУКУС-2 - Ўсимлик бўйи -85-90 см. Ўсув даври 105-110 кун. Рўвак узунлги 16-17 см. 1000 дона дон вазни - 28-29 г. Шишасимонлиги-96-98%. Амилоза микдори -17-18%. Қобиқлиги 18,0-19,0%. Гуруч чиқиши 71-72%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 95%. Ётиб қолишга ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 6,0-6,5 т/гача ҳосил олиш мумкин.

ГУЛЖАҲОН - Ўсув даври 105-110 кун. Ўсимлик бўйи -118-125 см. Рўваги узун бўлиб 20-25 см ни ташкил этади. 1000 дона дон вазни - 32-33г. Шишасимонлиги - 100%. Қобиқлиги 18,0-18,4%. Гуруч чиқиши 71-72%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 85-90%. Ётиб қолишга ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 7,5-8,0 т/га ҳосил олиш мумкин.

БИЛЛУР - Ўсув даври 106-110 кун. Рўваги узун бўлиб 19-20 см ни ташкил этади. 1000 дона дон оғирлиги -35-36 г. Шишасимонлиги-98%. Қобиқлиги 18,2-18,5%. Гуруч чиқиши 72-73%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 85-90%. Ётиб қолишга ва тўкилишга чидамли. Навдан қулай шароитларда 7,2-7,8 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Шолини экиш. Шоли асосан 2 хил: уруғидан ва қўчатидан экилади. Уруғидан ўз навбатида 2 хил: дон сеялкаси ёрдамида қаторлаб ёки чорраҳа усулида ва ивтилган уруғларни қўлда сочиб экилади. Уруғчиликка ихтисослашган хўжаликларда уруғлар дон сеялкаси ёрдамида экиш тавсия этилади. Бу экиш усулида ўсимлик далада бир текис ўсиб ривожланади, ётиб қолиши камаяди, шолининг ҳосилдорлиги ошади ва сифатли уруғлик олинади. Дон сеялкаси билан уруғлар сеялка сошниклари тупроққа 1,5-2 см ботадиган қилиб ростланган ҳолда экилади. Барча экиш усуулари орасида энг фойдалиси шахмат усулида экиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда Республикамизда энг кўп тарқалган усул - сочма усулдир. Бу усулни қўллаш асосан шоли экиладиган минтақаларнинг ўзига хос шарт-шароитларига боғлиқ. Ундан ташқари Республикамиз шоли майдонининг бир қисмига шоли қўчат усулида экилади.

Шолини экиш муддатлари. Районлаштирилган шоли навларининг экиш муддатини белгилашда минтақаларнинг табиий иқлим шароити ҳисобга олиниб шолипоядаги сувнинг ўртacha кунлик ҳарорати 14 даражага етганда экишга киришиш мақсадга мувофиқ. Одатдаги экиш муддатидан олдин эрта баҳорда шоли уругини 3-4 см чуқурликда экиб (жанубий туманларда) тупроқнинг табиий намлиги ҳисобига ундириб олиш мумкин. Бу экиш усулида шоли 3-4 та барг чиқаргандан кейин гербицид билан ишлов берилиб сув бостирилади. Шоли эрта муддатда, асосан, бегона ўтлар билан кам ифлосланган, яхшилаб текисланган ва шўрланмаган майдонларда экилади.

Бунда шоли 10-15 кун олдин пишиб етилади, ҳосилдорлик ошади ва одатдаги экиш муддатига қараганда сугориш микдори камаяди.

Районлаштирилган ва экилаётган шоли навларининг вилоятлар бўйича мақбул экиш муддатлари.

Навлар	Сурхондарё	Тошкент, Сирдарё	Фарғона, Андижон, Наманган	Қорақалпоғистон Хоразм
УзРОС 7-13	30.IV-10.V	20.IV-30.IV	20.IV-30.IV	-
ЛАЗУРНЫЙ	1-10.V	25. IV-5.V	25. IV-5.V	25. IV-5.V
МУСТАҚИЛЛИК	30.IV-10.V	20.IV-30.IV	20.IV-30.IV	-
ТАРОНА	25. IV-5.V	25. IV-5.V	25. IV-5.V	-
ИСКАНДАР	20-30.V	15-25.V	15-25.V	10-20.V
ТАНТАНА	20-30.V	10-20.V	10-20.V	1-10.V
ИЛГОР	20-30.V	5-15.V	5-15.V	1-10.V
САДАФ	20-30.V	15-25.V	15-25.V	10-20.V
НУКУС-2	30.V-10.VI	25.V-5.VI	25.V-5.VI	10.V-20.V
ГУЛЖАХОН	25.V- 5.VI	15.V-25.V	15.V-25.V	1-10.V
БИЛЛУР	30.V- 15.VI	20.V-30.V	25.V-30.V	1-10.V

Шолини экиш меъёрлари. Ўрим-йигим олдидан районлаштирилган навларнинг кўчат қалинлиги 1 м² да 250-300 донани ташкил қилганда энг юқори ҳосил олиш мумкин. Бунда навларга боғлиқ ҳолда қуруқликка 1 гектар ерга 200-220 кг (6-7 млн. дона), сувга 130-180 кг (4-5 млн дона) экишга яроқли дон экиласди.

Сугориш меъёри. Уруғлик экилган шолипояларда сувнинг сатҳи дастлаб

12-15 см, кейинчалик уруғ униб чиқиш даврида 6-8 см гача бўлиши керак. Майса барглари сув юзасидан кўтарилигандан сўнг 12-15 см қалинликда сув бостирилади. Ернинг тупроқ-икклим шароитига қараб бир гектарга эртапишар навлар учун 16-18; ўртапишар навлар учун 18-22; кечпишар навлар учун 22-24 минг м³ сув талаб қилинади.

Озиқлантириш муддатлари ва меъёрлари. Азотли минерал ўғитларнинг 30%, калийли ўғитнинг 50% экишдан олдин бериш лозим. Азотли минерал ўғитларнинг 40% тупланиш (4-5 барг чиқарганда) даврида, қолган 30%, калийли ўғитнинг 50% найчалаш даврида берилса сифатли ва юқори дон ҳосили олинади.

Эртапишар навлар учун соф ҳолда гектарига 110-120 кг, ўртапишар навлар учун 140-160 кг, кечпишар навлар учун 180-200 кг азот, 100–120 кг фосфор, 120 – 150 кг калий ўғитларни солиш тавсия этилади.

Бегона ўтларнинг турлари ва уларга қарши қураш чоралари. Бир йиллик курмаксимон ва кўп йиллик бошоқли begona ўтлар **хилол** (**саломалайкум**) ажриқ ва бошқаларга қарши қурашда агротехникавий чора-

тадбирларни ўз вақтида ўтказиш юқори самара беради. Хилолдошлар оиласига мансуб бегона ўтларга қарши **Базагран 2-4 л/га, шоли- хилол 0.8-100 г/га қўлланилади.**

Шолининг вегетация даврида 1 кв м да курмаксимон ўтлар **3** донадан, хилол **10** донадан ортиқ бўлган ҳолларда (курмаксимон ўтларнинг **2-3** барглик даврида) **1** гектарга: **А-клини 1 га 1.0-1.5 литр, Шоли курмак 0.5 литр/га,** **Тотарикс 0.7 л/га, Турон стар 1.0 л/га, Ксевелло 2.0 л/га, Федора 1.5 л/га** гербициidlари билан ишлов бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шоли зааркунандалари ва уларга қарши кураш усуллари. Ўзбекистонда шоли экиладиган майдонларда заарар келтирадиган **33** та зааркунанда ҳашоратларнинг тури мавжуд бўлиб, улар ҳосилнинг **30-40%** ва ундан ортиқ йўқолишига сабабчи бўлади.

Шоли униб чиқиши вақтида **«щитень» (қалқондор), «эстерия» ва қирғоқ пашасининг** личинкаси униб чиқаётган қўчатларни, илдизларни еб уларни ўрнидан кўчириб юборади ва натижада қўчат сонининг камайиб кетишига олиб келади. Оддий дон шираси шоли барги ва танадаги шираларни сўриши натижасида дон пучлиги ва ҳосилнинг **25 – 30 %** камайишига олиб келади.

Шоли касалликлари. Шолидан энг хафли касалликлар **пирикуляриоз, фузариоз, гельминтоспориоз, нематода** ҳисобланади. Бу касалликлар дон пучлигига, донинг тўлиқ бўлмаслигига олиб келиб, технологик сифатларига салбий таъсир қилиши мумкин ва бунинг натижасида ҳосилдорликни **50-60 %** га, айрим ҳолларда бутунлай йўқолишига сабаб бўлиши мумкин.

Шолидаги **пирикуляриоз** касаллигига карши **Амистар-топ 0.5 л/га, Топсин М 70 1.0-1.2 л/га, Трик манкозеб 0.6-1.0 л/га қўлланилади.**

Шоличнолик ИТИ директори
қ/х.ф.д., к.и.х.

М.Саттаров

Илмий котиб қ/х.қ.н.,к.и.х.

М.Эргашев

**Шоли етиштириш агротехнологияси
ва механизацияси лаборатрияси мудири,
қ/х.ф.ф.д., к.и.х.**

Ч.Қашқабоева

**Ўсимликларни ҳимоя қилиш
ва фитопатология лаборатрияси мудири,
қ/х.ф.ф.д., к.и.х.**

Н.Отамирзаев

ШОЛИ ПАРВАРИШИ БҮЙИЧА

ТАВСИЯНОМА

Босишига руҳсат этилди: 23.05.2024 йил

Бичими 60x84 1/16. «Times New Roman»

гарнитурада ракамли босма усулда чоп этилди.

Шартли босма табоғи 1. Адади 50 . Буюртма № 24-01

Тел: (99) 817 44 54

Гувохнома реестр № 219951

“PUBLISHING HIGH FUTURE” ОК босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Учтепа т-н. Али Қушчи 2 А